

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari

Son 11 Jild 4

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баҳодирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўёраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуроевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психология хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Lutfillova Xamida</i>	<i>Murodillova</i>	Лутфиллаев Ҳамидаилло Муродиллаевич
“ЖАВОҲИР АТ-ТАФСИР ЛИ ТУҲФАТ АЛ-АМИР” АСАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ		
ҚИСМЛАРИ ҲАҚИДА		12-17
<i>Ezhambergenov Xaitboy</i>	<i>Xamidulla</i>	Эзгамберганов Ҳайтбой Ҳамидулло ўғли
ТОШ ДАВРИ АҲОЛИ МИГРАЦИЯЛАРИ (ЎРТА ОСИЁНИНГ ЖАНУБИЙ, ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ		
ВА ҚУЙИ АМУДАРЁ ҲУДУДЛАРИ МИҚЁСИДА)		18-25
<i>Esonov Ziyodbek</i>	<i>Yuldashevich</i>	Esonov Ziyodbek Yuldashevich
QO'QON XONLARI SULOLASINING GENEOLOGIK TAHLILI		26-31
<i>Mamatqulov Bekzod</i>		Mamatqulov Bekzod
O'ZBEKISTONDA XX-ASRNING 20-40-YILLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI		
VA KADRLAR TARKIBINI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARI		32-38
<i>Asadova Ra'no</i>	<i>Baymanovna</i>	Asadova Ra'no Baymanovna
O'ZBEK- HIND MUNOSABATLARINING YANGI BOSQICHGA KO'TARILISHI: HAMKORLIK		
ISTIQBOLLARI		39-42
<i>Saidova Raxima</i>		Saidova Raxima
O'ZBEKISTON VA ITALIYA MUNOSABATLARINING ME'YORIY-HUQUQIY MANBALARI		43-48
<i>Ortiqov Yosin Abdulboqiyevich</i>	<i>Ergasheva Ra'no</i>	Ortiqov Yosin Abdulboqiyevich, Ergasheva Ra'no Muzaffarbek qizi
AFROSIYOB ARXEOLOGIK YODGORLIGINING O'RGANILISH TARIXI		49-55
<i>Iriskulov Bekzod Jaxongirovich</i>		Iriskulov Bekzod Jaxongirovich
TURKİSTON GENERAL-GUBERNATORLIGI BYUDJETINING SARFLANISHIGA DOİR AYRIM		
MULOHAZALAR		56-60
<i>Mirsoatova Sayyora</i>	<i>Turg'unovna</i>	Mirsoatova Sayyora Turg'unovna
QOYATOSH SURATLARIDA IBTIDOIY DAVR IQTISODIY HAYOTINING AKS ETISHI		61-66
<i>Luhmonov Shaxzod</i>	<i>Sayfiiddin</i>	Luhmonov Шаҳзод Сайфиддин ўғли
ВЛИЯНИЕ ДЕНЕЖНОЙ ЭМИССИИ В 1918-1920 ГОДАХ НА СОЦИАЛЬНО-		
ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ НАРОДОВ ТАССР		67-71
<i>Axmedov Bekzod</i>		Axmedov Bekzod
SOVET HOKIMIYATI TOMONIDAN O'ZBEKISTONDA QORAKO'LCHILIKNI RIVOJLANTIRISH		
TADBIRLARI		72-75
<i>Mamatov Jasurbek</i>	<i>Qodirqul o'g'li</i>	Mamatov Jasurbek Qodirqul o'g'li
NAMANGAN VILOYATI ZIYORATGOHLARINING AHOLINING IJTIMOIY HAYOTIDAGI O'RNI		
(UYCHI TUMANI DEVONA BUVA ZIYORATGOHI MISOLIDA)		76-80
<i>Saidaxmatov Sharifbek</i>	<i>Toshpo'latovich</i>	Saidaxmatov Sharifbek Toshpo'latovich
SURXONDARYO VILOYATI SANOATINI RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASINING ASOSIY		
YO'NALISHLARI		81-88

Ибрагимов Раҳмон Зиёдуллаевич
 ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ПАЛЕОМЕТАЛЛ ДАВРИ ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАБИЙ
 РЕСУРСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ 89-93

Akrorov Botir Bakhodirovich
 ДОГОВОРНО-ПРАВОВАЯ БАЗА СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИРАНА
 В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ 94-99

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Tursunov Bekmuxammad Omonovich
 IQTISODIYOTDAGI TARKIBIY O'ZGARISHLAR SHAROITIDA SANOAT KORXONALARI
 RAQOBATBARDOSHLIGINI TA'MINLASH MEXANIZMI TAKOMILLASHTIRISH 100-108

Muxitdinova Kamola Alisherovna
 «OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI» AJDA ISHLAB CHIQARILADIGAN
 MAHSULOTLARNING SANOAT KORXONALARIDA QO'LLANISHI 109-115

Madraximov Qaxramon Egamberganovich
 INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH ORQALI IQTISODIY BARQARORLIKKA
 ERISSHISH YO'LLARI: XORAZM VILOYATI MISOLIDA 116-125

Кетманов Авазбек Маликович
 КИЧИК БИЗНЕС МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
 ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 126-134

Xolmirzayev Abdulkamid Xapizovich
 KAMBAG'ALLIKKA QARSHI KURASHISHNING OMILLARI 135-142

Bahriiddinov Jahongirbek Ravshanjon oglisi
 MARKET MECHANISMS, METHODS OF PRICE FORMATION IN THE SYSTEM OF MARKETING
 OF GOODS AND SERVICES 143-152

Ilhamova Zarnigor Po'latjon qizi
 MINTAQА TURIZMINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI MARKETING TIZIMINI
 TASNIFI 153-160

Sharipov Komil
 MINTAQAVIY KAMBAG'ALLIKNI KAMAYTIRISHDAGI KICHIK BIZNESNING ROLI 161-170

Rajabov Navruzbek Azimjonovich
 MAISHIY XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RIVOJLANISHI VA KAMBAG'ALLIKNI
 QISQARTIRISHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI 171-179

Mirzaeva Shirin Nodirovna
 SUPPORT AND DEVELOPMENT OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN
 UZBEKISTAN 180-187

Pardayev Rasulbek Islomovich
 TURIZM XIZMATLARI SIFATINI BAHOLASHNING USULLARI VA ULARNING
 TAHLILI 188-196

Bahodirov Shohruh Bahodir o'g'li
 SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSION FAOLIYATNI BOSHQARISH
 XUSUSIYATLARI 197-202

<i>Rahimov Bahromjon Ibrahimovich</i>	
ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ	203-209
<i>Zakirova Gulnora Mirzalievna, Madaminov Abdulaziz Anvarjon o'g'li</i>	
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA EKSPORT VA IMPORT SALOHIYATI (NAMANGAN VILOYATI TAHLILIDA).....	210-216
<i>Hasanov Ilkhom Isakovich</i>	
IMPROVING THE FINANCING MECHANISM OF THE SCIENTIFIC SUPPLY SYSTEM IN THE AGRICULTURE OF UZBEKISTAN.....	217-221
<i>Ibragimova Nilufar Ziyadullayevna</i>	
CHAKANA SAVDO KORXONALARIDA XIZMATLAR KO'RSATISHNING XUSUSIYATLARI	222-227
<i>Maxmudov Jasurbek Ergashevich</i>	
INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA KICHIK BIZNES SUBYEKTALARINI MOLIYAVIY JIHATDAN QO'LLAB-QUVVATLASH TAHLILI	228-233
<i>Ravshanov Nodirjon Begalievich</i>	
TA'LIM XIZMATLARI BOZORIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING AHAMIYATI	234-243
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i>	
SHIHOBIDDIN SUHRAVARDIY FALSAFIY QARASHLARIGA IJTIMOIY-SIYOSIY VAZIYATLARNING TA'SIRI	244-248
<i>Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich</i>	
XORAZM JADIDLARI MA'NAVIY MEROSINING YANGI O'ZBEKİSTONDA YOSHLARINI VATANPARVARLIK VA BAG'RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHDAGI AHAMIYATI	249-254
<i>Saburov Jaloliddin</i>	
XVIII-ASR OXIRI VA XIX-ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA ILM-FAN VA MADANIY HAYOT RIVOJI	255-260
<i>Jabborov Ikromjon Jumaniyozovich</i>	
NAJMIDDIN KUBRO TA'LIMOTIDA "KOMIL INSON" TARBIYASI VA UNING AXLOQIY VA MA'NAVIY YUKSALISHGA OID G'OYALARING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	261-265
<i>Saidkulov Nuriddin Akramkulovich</i>	
FORMATION OF PERSPECTIVES REGARDING SOCIETY'S STABILITY	266-271
<i>Adilov Zafar Yunusovich</i>	
MAHMUD AZ-ZAMAHSARIY QARASHLARIDA SUV VA SHIFOBAXSH MEVALAR MASALASI	272-277
<i>Yuldashev Farrux Abdurakhmanovich</i>	
ON THE QUESTION OF THE UNIQUE ROLE OF THE PRINCIPLES OF HUMANITY AND PATRIOTISM IN THE DEVELOPMENT AND STRENGTHENING OF THE FUTURE OF THE YOUNG GENERATION	278-282
<i>Ganiyev Baxodirjon Sodiqjonovich</i>	
TADBIRKORLIK MADANIYATINING SENSUALISTIK VA AKSIOLOGIK XUSUSIYATLARINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI	283-287

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI*Baxronova Dilrabo*

PROTOTURKIYLARNING AMERIKA QIT'ASIGA KO'CHISHI: LEKSIK PARALLELIZM VA ETIMOLOGIK-SEMANTIK TADQIQ 288-295

Daliyeva Madina

DETERMINANTS OF COGNITIVE MODELING OF POLYSEMY OF LINGUISTIC TERMS IN ENGLISH, UZBEK, AND RUSSIAN LANGUAGES 296-300

Paluanova Khalifa

STRATEGIES FOR ENHANCING PRAGMATIC COMPETENCE IN SECOND LANGUAGE ACQUISITION (SLA) THROUGH EFFECTIVE APPROACHES 301-306

Равшанов Махмуд

СЕМАНТИКА ГЛАГОЛОВ В «ДИВАНИ ЛУГАТ-ИТ ТУРК» МАХМУДА КАШГАРСКОГО 307-311

Bekbergenova Gulaim Aijarikovna

SEMANTIC CLASSIFICATION OF ENGLISH AND KARAKALPAK ANTHROPOCENTRIC PROVERBS 312-318

Normamatov Farrux Komiljon o'g'li

MURAKKAB USLUBDAGI ASARLAR XUSUSIYATLARI VA UNDA FORMALIZM YONDASHUVI 319-322

Gulamova Dilobar Imamkulovna

ADABIYOT DARSLIKLARDA EVFEMIZMLARNING QO'LLANILISHI VA TAHLILI 323-326

Xolmuxamedov Baxtiyor

TERS LUG'ATLARNING ASOSIY XUSUSIYATI VA ULARNI TUZISH METODIKASI 327-334

Chorieva Iroda Kurbonboevna

KASALLIK NOMLARI VA BELGILARI KELTIRILGAN INGLIZ VA O'ZBEK MAQOLLARINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI 335-339

Ganiyeva Orzigel Xayriddinovna

XX ASR AMERIKA REALISTIK QISSACHILIGIDA POETIK KONSTRUksiya: SHAKL VA MAZMUN MASALASI 340-345

Расулова Камола

ПОНЯТИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ. ВИДЫ АВТОРСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ 346-353

Омонов Турғунбой

“СУФУРТА” ТЕРМИНИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪРИФИ 354-358

Хакбердиева Сайёра Фармоновна

ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ОБЪЕКТИВИЗАЦИЯ ФРЕЙМА «МАТЬ» И «ОТЕЦ» В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ 359-364

Xolmirzayev Baxtiyor Mirzamahmudovich

IJTIMOIY-SIYOSIY ASAR TARJIMASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 365-370

Gubaydullin Artur Faridovich

CHALLENGES OF TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S “GOOD OMENS” 371-376

Abdullaeva Sevara Makhsudalievna

EMOTIVE INTENSIFIERS OF ENGLISH AND RUSSIAN LANGUAGES 377-381

<i>Baymuradova Gulbaxar Chari Qizi</i>	
SURXONDARYO VILOYATI FITOTOPONIMLARINING STRUKTURGRAMMATIK TAHLILI	382-385

<i>Yuldasheva Nigora Baxodirovna</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK PAREMIYALARINI O'RGANISHNING AKSIOLOGIK JIHATLARI	386-390

<i>Quljanova To'lg'anoy Shodiyor qizi</i>	
ABDUVALI QUTBIDDIN SHE'RIYATIDA POETIK OBRAZLAR TAHЛИLI	391-396

12.00.00 – YURIDIК FANLAR

<i>Рузметов Хайрулла</i>	
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ	397-402

<i>Ачилова Лилия Илхомовна</i>	
ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УНИФИКАЦИЯСИ ЧЕГАРАЛАРИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА	403-410

<i>Abdubannayev Umidjon</i>	
AXBOROTGA BO'LGАН INSON HUQUQLARINI TA'MINLASHNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI	411-421

<i>Халиқулов Комолиддин Носирович</i>	
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУДЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШДА ДАВЛАТ СУВЕRENИТЕТИ МАСАЛАЛАРИ	422-427

<i>Тўраев Жавоҳир Усмон ўғли</i>	
ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ВА ТЕКШИРУВИ ТУШУНЧАСИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР	428-433

<i>Элмурзаев Билолиддин Нурмон ўғли</i>	
ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТЕРГОВЧИННИНГ ПРОЦЕССУАЛ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ	434-439

<i>Djumaniyazova Dilfuza Kamalovna, Shayakubov Shomansur Shakabilovich</i>	
IJTIMOIY HAVF GURUHIGA KIRUVCHI YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKLARGA QARSHI KURASHISH BO'YICHA XORIJY TAJRIBA	440-446

<i>Алиев Асилбек Кадирович</i>	
КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ (СОЦИАЛЬНЫЕ) ПРЕДПОСЫЛКИ И КОРНИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ АЗАРТНЫХ ИГР СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ	447-451

<i>Нодирахон Абдурахманова</i>	
РЕГУЛИРОВАНИЕ ФИНТЕХА И КРИПТОВАЛЮТ: ОСНОВНЫЕ ВЫЗОВЫ И ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ	452-462

<i>Ғайбуллаев Соҳибжон Ғайбуллаевич</i>	
РЕПО БИТИМЛАР – ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМ СИФАТИДА УМУМИЙ ТАВСИФ	463-469

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Xusanova Mohira</i>	
OLIY O'QUV YURLARIDA TALABALARNI BAHOLASH SHAKLINI TAKOMILLASHTIRISH	470-479

<i>Берикбаев Алишер Аликулович</i>	
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	480-483
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i>	
TALABALARING TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARIDA IJODIY QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH TEKNOLOGIYASI	484-489
<i>Yakubova Nafisa Odilyanovna</i>	
CHIZMACHILIK DARSLARIDA TALABALARNI IJODIY-KREATIV FIKRLASHGA O'RGGATISH	490-494
<i>Musirmanov Shohboz Usmon o'g'li</i>	
TURIZM SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASHDA AMALIYOT VA NAZARIYANING PEDAGOGIK UYG'UNLIGI	495-500
<i>Suvankulov Umid Ilxom o'g'li</i>	
MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA PEDAGOGLARNING DISKURSIV KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH TEKNOLOGIYASI	501-505
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloyevich</i>	
O'QITUVCHILARNI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHGA KOGNITIVFUNKSIONAL YONDASHUV	506-518
<i>Jo'rayeva Feruza Baxtiyor qizi, Mavlonov Shaxzod Shahobiddin o'g'li</i>	
TA'LIMDA KOMMUNIKATIV INNOVATSION VOSITALAR VA ULARNING IMKONIYATLARI	519-524
<i>Siddiqova Shahnoza Ahmedovna</i>	
SCIENCE XALQARO BAHOLASH TADQIQOTLARINING O'ZBEKİSTONDA BIOLOGIYA O'QITUVCHILARINING TABIIY FANLAR SAVODXONLIGINI SHAKLLANTIRISHGA TA'SIRI	525-529
<i>Xoliqov Nasriddin Abdikarimovich</i>	
MILLIY IQTISODIYOT RIVOJLANISHINING SHARTI SIFATIDA TA'LIM, FAN VA BIZNESNING O'ZARO ALOQALARI MAZMUNI	530-534
<i>Javliyeva Shahnoza Bahodirovna</i>	
TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODELI	535-539
<i>Jumaboev Nabi Pardaboevich</i>	
TA'LIM SIFATIGA YO'NALTIRILGAN O'QUV MATERIALLARINI YARATISH MODELI	540-545
<i>Kayumov Erkin Kazakbayevich</i>	
THE IMPORTANCE OF FINE ARTS IN SHAPING STUDENTS' PERCEPTION AND CREATIVITY	546-550
<i>Khojamqulov Rasulbek Kurban ugli</i>	
THE NEED TO DEVELOP COMPETENCY OF FUTURE ENGINEERS USING COMPUTER GRAPHICS	551-555
<i>Latipova Gavhar Shavkat kizi</i>	
TARIX YO'NALISHI TINGLOVCHILARI UCHUN KREATIV SALOHIYATNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA	556-564
<i>Ernazarov G'olibjon Ne'matovich</i>	
ATROF- MUXITNING YUKORI XARORATIDA MUSHAK FAOLIYATI	565-568

Received: 31 October 2024**Accepted:** 5 November 2024**Published:** 15 November 2024*Article / Original Paper*

REPO TRANSACTIONS AS COLLATERAL TRANSACTIONS – GENERAL CHARACTERISTICS

Gaibullaev Sakhibzhon Gaibullaevich

Senior Assistant to the Prosecutor of the Kashkadarya Region, Master of Laws

Abstract. The article analyzes the significance of repo agreements in the financial market, their characteristics as financial instruments, and their role as secured transactions. A repo agreement is a short-term financial operation between financial institutions, typically involving borrowing or lending secured by assets or securities. The article examines the economic aspects of repo agreements, their types, importance in increasing market liquidity, and risk management benefits. Additionally, it covers the rights and obligations of the parties—the "seller" and the "buyer"—and their legal and financial aspects. This article serves as a valuable resource for financial market participants, specialized organizations, and researchers in understanding the role and application of repo agreements in financing.

Keywords: repo agreements, financial market, secured transaction, liquidity, securities, financial instruments, risk management, repurchase, borrowing, asset-backed, financing, financial institutions.

РЕПО БИТИМЛАР – ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМ СИФАТИДА УМУМИЙ ТАВСИФ

Ғайбуллаев Соҳибжон Ғайбуллаевич

Қашқадарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, ҳуқуқ магистри

Аннотация. Мақолада РЕПО битимларининг молия бозоридаги аҳамияти, унинг молиявий восита сифатидаги хусусиятлари ва таъминловчи битим сифатидаги роли таҳлил қилинади. РЕПО битими — бу молиявий институтлар ўртасидаги қисқа муддатли молиявий операция бўлиб, у одатда активлар ёки қимматли қофозлар билан таъминланган қарз олиш ёки бериш жараёнини ифодалайди. Мақолада РЕПО битимларининг иқтисодий жиҳатлари, уларнинг турлари, молия бозорларидаги ликвидликни оширишдаги аҳамияти ва таваккалчиликларни бошқаришдаги фойдаси ёритилади. Шунингдек, битимнинг икки томони: "сотовчи" ва "харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва молиявий жиҳатлари тўғрисида маълумотлар берилган. Мазкур мақола молия бозорлари иштирокчилари, маҳсус ташкилотлар ва тадқиқотчилар учун РЕПО битимларининг молиялаштириш жараёнидаги ўрни ва амалиётини тушунишда ёрдам берувчи қимматли манба бўлиб хизмат қиласди.

Калит сўзлар: РЕПО битимлари, молия бозори, таъминловчи битим, ликвидлик, қимматли қофозлар, молиявий воситалар, таваккалчиликни бошқариш, репокупка, қарз олиш, активлар билан таъминлаш, молиялаштириш, молиявий институтлар.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I11Y2024N69>

Кириш. Таъминловчи битим конструкциялари РЕПО битимлар ва қайта сотиб олиш шарти билан олди-сотди муносабатларида намоён бўлади. Хусусан, РЕПО битимларида асосан қимматли қофозлар қайта сотиб олиш шарти билан сотилади ва алалоқибат сотувчи ўзи сотган нарсани шартномада белгиланган нархда қайта сотиб

олишга ҳақли бўлади. Унинг таъминловчилик хусусияти ҳам айнан шунда ҳисобланади[1, 124 б.].

“РЕПО битимлари иккита битим шаклида расмийлаштирилади ва икки босқичда амалга оширилади: Биринчи босқичда брокерлар орқали қимматли қоғозлар сотувчисининг РЕПО ташаббускори сифатидаги буюртмаси ва харидор-РЕПО акцентантининг унга жавобан буюртмаси берилади. Сотувчи брокер орқали савдолар жараёнида қимматли қоғозларнинг сонини, нархини, бегоналаштириш муддатини ўзгартириши мумкин. Ташаббускор буюртмасида ҳамда акцептантнинг қарама-қарши манзилли буюртмасида кўрсатилган шартлар бир-бирига мос келса, савдо тизими автоматик тарзда битимни қайд қиласи ва РЕПО-келишув расмийлаштирилади. Иккинчи босқичда қимматли қоғозларнинг РЕПО-келишув шартлари бўйича қайта сотиб олиниши юз беради. Қайта сотиб олинадиган акцияларнинг сони битимнинг иккинчи босқичида дастлабки сотилган акциялар сонига тенг бўлиши мухимдир”[2].

Бугунги кунда РЕПО кредитлар ва инвестициялашнинг класик методи бўлиб, жаҳон молия бозорида юқори суръатлар билан ривожланмоқда ва ягона молия зонасини шаклланишига кўмаклашмоқда[3, 95 б.].

Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 15 мартағи 8/8-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги Низом З-банди учинчи хатбошисига кўра “РЕПО битими – битим шартлари билан белгиланган муддат ва баҳода айнан шу чиқарилишдаги ва миқдордаги давлат қимматли қоғозларини қайта сотиб олиш (сотиш) (РЕПО битимининг иккинчи қисми) шарти билан сотиш (сотиб олиш) (РЕПО битимининг биринчи қисми) бўйича икки томонлама битим”дир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Юридик адабиётларда РЕПО битимларининг ҳуқуқий табиати борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, П.В.Хлюстовнинг фикрича “амалдаги қонунчиликда РЕПО шартномаси мустақил шартнома тури сифатида келтирилган. Бироқ РЕПО мустақил шартнома тури деб эмас, фақат олди-сотдининг қайта сотиб олиш шарти билан сотиш тури сифатида белгилаш ва номланмаган шартнома деб ҳисоблаш ўрнилидир”[1, 7 б].

Шунингдек кўплаб олимлар[4, 37 б; 5, 41 б; 6, 9–13 б] РЕПО битимининг таъминловчи битим эканлиги масаласини баҳсли эканлигини қайд этишади. Уларнинг келтиришларича, РЕПО битимларининг ҳуқуқий табиати мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усусларининг мақсади ва вазифасига кўп ҳам мос келавермайди. Чунки таъминлаш усуслари кредитор манфаатларининг кафолатни амалга ошириш ва қарздорни мажбуриятни лозим даражада бажаришга ундашга қаратилади. РЕПО битимларида эса қайта сотиб олиш масалалари шартномада олдидан келишилган бўлади ва бир тарафнинг мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлиги мажбурият бузилишининг ҳуқуқий оқибатига мос келмайди. Яъни, РЕПО бўйича мажбурият бузилган тақдирда шунчаки сотувчи ўз мол-мулкини арzonроқ баҳода бегоналаштирган ҳисоланади, холос. Қимматли қоғозларни РЕПО битимининг биринчи қисми бўйича сотиш ва уни битимининг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олишда қимматли қоғоз аввалбошидан кредитор ўз талабларини қаноатлантириши мумкин бўлган мол-мулк ҳисобланмайди.

Шунингдек, РЕПО шартномаларининг таъминловчилик таъминоти назарияси тарафдорлари А.В.Егоров ва Е.Р.Усманова[7, 56 – 127 б], Р.Н.Адельшинлар[8, 26 б] таъминлаш иккала томоннинг ҳам манфаатига, аввало эса қимматли қоғоз эгаси бўлган битимнинг биринчи қисмида сотувчи бўлган тарафларнинг манфаатига хизмат қилишини, шу сабабли ҳам битимнинг биринчи қисмида сотиб олувчи шартномада белгиланган муддатда ва баҳода қимматли қоғозни қайта сотиш мажбуриятни зиммасига олади.

Муҳокама. РЕПО операцияларнинг кредитлаш сифатидаги моҳияти кредитор учун қимматли қоғоз товар сифатида керак эмаслигида ифодаланади, чунки бу муносабатларда кўпинча кредитор сифатида кредит ташкилотлари, яъни қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси қатнашади. Кредитор учун қимматли қоғоз фақат кредит қайтарилишини таъминлаш воситаси саналади. Бундай битимнинг биринчи қисмида сотиб олиш баҳосининг тўланиши банк кредит бериш кабидир. Битимнинг биринчи ва икkinчи қисмлари ўртасидаги фарқ эса кредитдан фойдаланганлик учун тўлов саналади ва битимнинг биринчи ва икkinчи қисмларида товар учун тўловлар ўртасидаги вақт оралиғи кредитлаш муддатдаги тенг ҳисобланади.

Шартнома нарсаси ҳисобланадиган қимматли қоғозлар кредит қайтарилиши таъминлайди ва айнан ташқи томондан гаров институти бажарадиган функцияларига ўхшайди. Агар қарздор мол-мулкни қайта сотиб олишдан бош тортса, кредитор қарздор билан қўшимча келишувларсиз қимматли қоғозни бозор баҳосида сотиб юбориш ва олинган суммадан ўз харажатларини қоплашга ҳақли бўлади[9, 56 б].

Г.В.Мельничукнинг фикрича “РЕПО ўз ўзича гаров каби мажбурият бажарилиши таъминлаш усули ҳисобланмайди. Бироқ қоидага кўра бундай битимларда тарафларнинг хоҳиши сотилган мол-мулк учун эксивалентни олишга эмас, балки дастлабки ва қайта олди-сотди шартномалари баҳоси ўртасидаги фарқни олишга қаратилади. Ушбу шартномаларнинг ҳар қайсиси бошқасидан айро ҳолатида субъектлар учун манфаат ҳосил қилмайди. РЕПО битимнинг биринчи қисми бўйича сотилган ва икkinчи қисми бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар тараф мажбуриятини таъминлаш ёки пул ўрнига мажбурият нарсасининг мустақил эквиваленти ролини бажаради”[10, 28 б].

Натижалар. РЕПО битимларини тузиш натижасида кредитор қимматли қоғоз кўринишидаги мулк шаклида таъминлашга эга бўлади. РЕПО битимларининг ўзини эса фуқаролик хуқуқидаги номланган шартномалар жумласига киритиш мумкин ва бундай таъминлаш воситаси одатда манфаатдор томонни ҳаракат қилишга ундейди ва унинг ҳаракатсизлиги мол-мулкка нисбатан хуқуқларни йўқотишига олиб келади. Шундай экан РЕПОнинг битим сифатидаги икки қисми айнан мажбурият таъминоти вазифасини ўтайди ва икkinчи қисмни ижро этмаган қайта сотиб олувчи ўзининг мол-мулк бўлган қимматли қоғозларни бозор қийматини пастда нархда сотганлиги боис йўқотишлигарга дучор бўлади.

Қайд этиш лозимки қимматли қоғозлар соҳасида муайян вақт ўтганилган кейин қайта топшириш шарти билан қимматли қоғозларни бошқа шахсга ўтказишга қаратилган шартномаларнинг қуйидаги учта асосий типи мавжуд: қайта сотиб олиш шарти билан сотиш (РЕПО – sale and repurchase (repo)), сотиш ва қайта сотиб олиш (sell/buy-back) ва қимматли қоғозларни кредитлаш (securities lending)[11, 13 б]. Бу

битимларни тузишда қоида тариқасида тегишли иловалари билан бирга бош келишув сифатида стандартлашган шакллардан фойдаланилади. Юқорида таъкидланганидек, РЕПО қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шарти билан сотиш бўлиб, қайта сотиб олиш баҳоси биринчи сотиш баҳосига қараганда юқорироқ бўлади ва айнан мазкур фарқ дастлабки сотиб олувчининг фойдаси сифатида кўрилади [12, 201 б].

Қимматли қоғозларни кредитлаш РЕПОдан тижорат мақсади ва ҳуқуқий тавсифи бўйича фарқ қиласди. Агар РЕПОга нақд пул олиш зарурати бўлган мурожаат қилинса, қимматли қоғозларни кредитлашнинг мақсади қарздор нуқтаи назаридан қимматли қоғозларнинг ўзини қоплашларсиз олиш саналади. Бундай битимлар қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш ва фоиз олиш мақсадида тузилмайди. Бу шунчаки қимматли қоғозларни олувчининг мажбуриятига қарама-қарши ўлароқ кейинчалик қайт топшириш ва қарз учун белгиланган ҳақни тўлаш ҳисобланади. Тўлов билан бирга ҳеч қандай пул топширишни амалга оширишга йўл қўйилмайди[13, 218-219 б].

Топширилган қимматли қоғозлар бўйича овоз бериш ҳуқуқи қарз берувчидан қарз олувчига ўтказилади. Қарз берувчилар гарчи бу камдан-кам ҳолларда яъни ўтказиш учинчи шахслар томонидан амалга оширилишида қўлланилсада, қимматли қоғозларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқини сақлаб қолишади. Қарз олувчи (қимматли қоғозларни олувчи) бошқа қимматли қоғозларни ёки пулларни таъминот сифатида қарз берувчига ўтказади. Таъминот бўйича ҳисобланган фойда қарзга олинган қимматли қоғозлар қайтарилганда қарз олувчига ўтказилади. Қарздор қимматли қоғозлар ўтказганлик учун қарз берувчига ҳақ тўлайди. Қарз олувчи қимматли қоғозларни ёки уларнинг эквивалентини сўров бўйича ёки келишилган муддат охирида қайтариши шарт. Ушбу конструкция вақтинча қимматли қоғозлар қарз олувчига қарз берувчига қараганда кўпроқ зарур бўлган ҳолларда, шунингдек маъмурий ёки солиқ қонунчилиги талабларга кўра қимматли қоғозларнинг ликвидлигини ошириш учун ишлатилиши мумкин. Бундай ҳолда, қарз берувчи ўтказилган қимматли қоғозлар учун баҳо ўзгариши хавфини ўз зиммасига олади. Бироқ, бундай битимларнинг муҳим камчиликлари компаниянинг овоз бериш ва назоратига таъсир қилиш учун мумкин бўлган суистеъмол қилишдир.

РЕПО сармоя киритишга (қимматли қоғозларга), шунингдек қимматбаҳо металларга нисбатан қўлланилади. Дастлабки сотувчи қимматли қоғозларни молия соҳасидаги субъектларга сотади ва қимматли қоғозларни, масалан, олти ойдан сўнг, фойдаланиш учун ҳисобланган фоизларга teng miqdorni kushiб, дастлабки сотувга teng нархда сотиб олишга рози бўлади. Сотувчи қимматли қоғозларни топшириши (delivered out repos) ёки харидор номидан уларга эгалик қилиши мумкин (hold-in-custody). Давлат қимматли қоғозларини РЕПОси одатда Марказий банклар томонидан банкларни молиявий қўллаб-куватлаш учун ишлатилади. Коида тариқасида, ушбу операциялар катта миқдордаги пулни қоплайди.

Қайта топширишда ҳам айнан шу қимматли қоғозлар, эквивалент қимматли қоғозлар ёки қимматли қоғозларнинг бозор нархи қўлланилиши лозим. Дастлабки сотиш нархи қимматли қоғозларнинг бозор нархининг тахминан 80% ни ташкил қиласди. Бундай пасайиш “хавф омили” деб номланади: агар дастлабки сотувчи қайта сотиб олиш мажбуриятини бажармаса ва қимматли қоғозлар нархи пасайса, харидор уларни бозорда сотиши керак бўлади. Агар сотувчи қимматли қоғозларни сотиб олмаса,

харидор уларни бозорда сотиши ва харидордан бозор нархи ва сотиб олиш нархи ўртасидаги фарқни тўлашни талаб қилиши мумкин. Агар бозор нархи сотиб олиш нархидан ошса, харидор ортиб қолган суммани қайтариши керак. Шундай қилиб, харидор РЕПО шартларига кўра қимматли қофозларнинг расмий эгасига айланган бўлсада сотувчи қимматли қофозлар билан боғлиқ барча фойда ва хавфларни масалан, бозор нархининг пасайиши ўз зиммасига олади[14, 27 б].

Дастлабки сотувчи банкрот бўлган тақдирда, дастлабки харидор дастлабки сотувчини қайта сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши, активни мулкдор сифатида қайта сотиши ва қайта сотиш нархи ва сотиб олиш нархи ўртасидаги йўқотишларни дастлабки сотувчидан заар сифатида қоплашни талаб қилиши мумкин. Шартнома бузилган тақдирда, уни бузмаган тараф стандартлаштирилган хужжатлар шартларига мувофиқ шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилиши мумкин. Харидорнинг қимматли қофозлар эквивалентини қайтариш мажбурияти жорий бозор нархини тўлаш мажбурияти билан алмаштирилади. Қимматли қофозларнинг бозор баҳоси дастлабки сотувчининг қайта сотиб олиш (тугатиш неттинги) баҳосида инобатга олинади.

Таъминловчи битимларнинг яна бир тури сифатида одатдаги қайта сотиб олиш шарти билан сотишини киритиш мумкин. Номланмаган шартномаларнинг мазкур тури тарафларнинг ўзаро келишуви асосида бирор-бир ашёни, масалан, кўчмас мол-мulkни қайта сотиб олиш шарти билан сотилиши мумкин. Мисол учун фуқаро ўзига тегишли уйни бошқа фуқарога қайта сотиб олиш шарти билан бозор қийматидан пастроқ баҳода сотди. Бунда уйнинг бозор баҳоси 1 млрд сўм бўлгани ҳолда дастлабки олди-сотди шартномасида унинг баҳоси 850 млн сўмга баҳоланди. Тарафларининг келишувига кўра қайта сотиб олиш дастлабки олди-сотди амалга оширилганидан сўнг 6 ой ўтиб амалга оширилиши керак эди ва бунда уй-жойнинг қайта сотиб олиш баҳоси 1 млрд сўм қилиб белгилangan эди. 6 ой ўтганидан сўнг уйнинг баҳоси 1 млрд 200 млн сўмга чиқиб кетди. Бу ҳолатда дастлабки сотувчи уйни 1 млрд қайта сотиб олишни истамаса уй дастлабки сотиб олевчида мулк бўлиб қолиши ёки дастлабки сотиб олевчи сотиб юбориб пулини ўзига олиб қолиши мумкин бўлади. Ҳозирда бу тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади.

Айрим давлатлар қонунчилигида қайта сотиб олиш шарти билан сотиши шартномасига оид қоидалар фуқаролик қонунчилигида ўз ифодасини топган. Ҳусусан, Грузия ФКнинг 509-моддасига биноан “агар олди-сотди шартномасида сотувчи қайта сотиб олиш ҳуқуки белгилangan бўлса, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш сотувчининг хоҳишига боғлиқ бўлади”[15]. Франция ФКнинг 1659-моддасига кўра “қайта сотиб олиш имкони келишув бўйича ўрнатилади ва бунда сотувчи сотилган ашёни қайтариб олиш ҳуқуки сақлаб қолади ва сотувчига қайтариб олаган ашёси учун тўланган суммани ва тегишли ҳақни тўлаш мажбурияти юклатилади”[16]. Туркманистон ФКнинг 533-моддасига мувофиқ “агар олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи ўзининг қайта сотиб олиш ҳуқуқини белгилаган бўлса, сотувчи ўз ҳуқуқидан фойдаланиши хусусида сотиб олевчига талаб қўйган пайтдан бошлаб қайта сотиб олиш амалга оширилган ҳисобланади”[17].

Хуносас. Умуман олганда ушбу давлатлар қонунчилигида қайта сотиб олиш шарти билан олди-сотди шартномаси алоҳида бобда белгилangan. Уларда қайта сотиб олиш

шарти билан сотишнинг асосий қоидалари, масалан, қайта сотиб олиш баҳоси, сотиб оловчининг сотиб олинган товарга нисбатан мажбуриятлари, қайтиб сотиб олишдан олдин етказилган зарарни қоплаш, қайтиб сотиб олишдан олдин товарни бегоналаштиришнинг ҳақиқий эмаслиги, қайтиб сотиб олиш муддати каби масалалар белгиланган. Айниқса Франция ФКнинг 1659-1673-моддаларида қайта сотиб олиш муносабатлари кенг ва атрофлича тартибга солинган. Фикримизча, ФКга 29-бобга 1¹- § сифатида “қайта сотиб олиш” номли параграфни киритиш ва унда қайта сотиб олишга оид 424¹-424⁶-моддалар сифатида “қайта сотиб олиш шартномаси, қайта сотиб олиш баҳоси, сотиб оловчининг сотиб олинган товарга нисбатан мажбуриятлари, қайтиб сотиб олишдан олдин етказилган зарарни қоплаш, қайтиб сотиб олишдан олдин товарни бегоналаштиришнинг ҳақиқий эмаслиги, қайтиб сотиб олиш муддати” каби моддаларни ифодалаш лозим бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Хлюстов П.В. Договор репо в российском гражданском праве: дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – 124 с.
2. Умаров Р. Репо битими нима // <https://www.bss.uz/article/1137-repo-bitimi-nima>
3. Бобожонов М.Э. Развитие регулирования сделок РЕПО и их значение в развитии рыночной экономики Узбекистана // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения 2017. – № 1. – 95 с.
4. Гончарова В.А. Непоименованные способы обеспечения исполнения обязательств. дис. ... на соискание степени магистра. – Томск, 2017. – 37 с;
5. Попондопуло В.Ф. Правовое регулирование деятельности на организованных торгах: новеллы законодательства / В. Ф. Попондопуло // Конкурентное право. 2012. – № 2. – С. 16–23.
6. Лубягина Д.В., Бычков А.И. Договор РЕПО в гражданском обороте / Д. В. Лубягина, А. И. Бычков // Юрист. 2017. – № 4. – С. 9–13.
7. Егоров А.В., Усманова Е. Р. Залог и титульное обеспечение: теоретико-практическое сравнение конструкций / А. В. Егоров, Е. Р. Усманова // Вестник гражданского права. 2014. – № 4. – С. 56–127.
8. Адельшин Р.Н. О квалификации сделок репо для целей залога / Р. Н. Адельшин // Цивилист. 2012. – № 2. – С.26–29.
9. Захарова, Д. А. Договоры репо как непоименованный способ обеспечения исполнения обязательств // Молодой ученый. 2019. – № 35 (273). – URL: <https://moluch.ru/archive/273/62240/> (дата обращения: 22.07.2024).
10. Мельничук Г. В. Правовая природа расчетных форвардных сделок и сделок РЕПО / Г. В. Мельничук // Законодательство. 2000. – № 2. – 21–28.
11. Абашеева Е.Н. Римское право на страже интересов финансового рынка, или fiducia как надежная гавань для плавающих маржевых сумм // Об обеспечении обязательств: Сборник статей к юбилею С.В. Сарбаша. М., 2017. С. 13.
12. Stock lending / Practical Law Finance. Режим доступа: URL: <http://uk.practicallaw.com/2-201-9445>.
13. Goode R. M. Legal Problems of Credit and Security Third Edition. – London: Sweet & Maxwell, 2003. – P. 218-219.
14. Beale, Hugh; Bridge, Michael; Gullifer, Louise; Lomnicka, Eva Op. cit. P. 270.
15. Гражданский кодекс Грузии // <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/31702?publication=131>

16. Гражданский кодекс Франции // <http://oceanlaw.ru/wp-content/uploads/2018/02/81-123.pdf>
17. Гражданский кодекси Туркменистана //
https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295232&doc_id2=31295232#pos=166; - 80.19999694824219&pos2=2741;-63.19999694824219

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

N^o 11 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).